



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ТЕХНОЛОГИК МАШИНАЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР
кафедраси**

**5320300-ТМЖ таълим йўналишидаги диплом лойиҳаси
ишининг мавзуси:**

ТАРЕЛКАЛИ РЕКТИФИКАЦИЯ ҚУРИЛМАСИНИ ЛОЙИҲАЛАШ

13-ТМЖ-11

**Битирувчи 13-ТМЖ-11
гуруҳ талабаси**

Абдуллаев Ойбек Хошимжонович

**Диплом лойиҳа
иши раҳбари:**

доц. Б. Отаханов

Наманган-2015

АННОТАЦИЯ

Диплом лойиҳасида этил спиртини ректификацион усулларда таркибий органик бирикмалардан тозалаш, технологик жараёнларнинг оптимал иш режимларини аниқлаш, ректификация ускуналари конструкциясини такомиллаштириш ва энергетик ресурслар сарфини камайтириш борасидаги муаммоларнинг ечимларини топиш масалалари ечилган бўлиб, этил спиртини ректификация қилувчи қурилмаларни такомиллаштириш жараёнида таҳлиллар асосида насадкали ректификация қурилмалари вино пунктлари шароитида тарелкали колонналарга нисбатан самаралироқ қўлланилиши мумкинлиги аниқланган. Шу сабабдан, кўп ҳолатларда абсорберлар сифатида қўлланиладиган насадкали аппаратларни этил спиртини ректификация қилувчи қурилма сифатида қўллаш, унинг конструкциясини такомиллаштириш асосида мослаштириш масалалари кўриб чиқилди.

КИРИШ

1. УМУМИЙ ҚИСМ

- 1.1. Хайдаш ва ректификация тушунчаси.
- 1.2. Ҳайдаш жараёнининг назарий асослари
- 1.3. Ректификация ускуналарининг схемаси

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ

- 2.1. Хайдаш колоннасининг ҳисоби
- 2.2. Ректификация жараёнининг моддий баланси
баланси ҳисоби.
- 2.3. Ректификация колоннасининг иссиқлик баланси
- 2.4. Колоннанинг моддий баланси ва ишчи флегма сони ҳисоби

3. Иқтисодий қисм

- 4. Меҳнат муҳофазаси
- 5. Атроф-муҳит муҳофазаси

АСОСИЙ ХУЛОСАЛАР

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет сайтлари рўйхати.
Иловалар

Кириш

Республикаимиз иқтисодиётни интенсив суръатлар билан ривожланиб бориши кўп жиҳатдан фан, техника ва технология соҳаларида эришилган ютуқларни ишлаб чиқаришга тезкор жорий этишга боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқиб, озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам бугунги кунда янги техника ва технологиялар асосида тез ривожланиб бормоқда. Замонавий технологик линиялар ва жиҳозлар билан таъминланган корхоналарда, хусусан алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарда, аҳоли эҳтиёжи ва саноат тармоқлари учун кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Бу тармоқ технологиясининг асосини ректификация жараёнлари ташкил этади. Ушбу жараёнларнинг қўлланилиш соҳаси кенглиги алоҳида амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, кенг ассортиментдаги ароқ, вино ва ликёрлар тайёрлашда этил спирти асосий компонент ҳисобланади. Этил спирти узумни бирламчи қайта ишлаш корхоналарида узум ва мева винолари тайёрлаш ёки асосий хом-ашё ҳисобланувчи шарбатларни технологик бузилишлардан сақлаш мақсадида ҳам кенг ишлатилади. Этил спирти медицина, фармацевтика, парфюмерия ва саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам кўп миқдорларда ишлатилади.

Спирт технологиясида дастлаб таркибида крахмал ёки қанд моддалари тутган хом-ашёларни сахаромицетлар оиласига мансуб бўлган ачитқилар ёрдамида бижғитилиб бражка тайёрланади, сўнгра уни кўп маротаба ҳайдаш натижасида этил спирти ҳосил қилинди.

Тозаланганлик даражасига кўра ректификацияланган спиртнинг тўртта нави мавжуд: 1 нав (спиртни ҳажмий улуши 96,0%), олий даражада тозаланган (96,2%), “Люкс” (96,3%) ва “Экстра” (96,5%). Ректификация услубида тозаланган этил спирти (спирт-ректификат) таркибида сувдан ташқари микроиқдорларда турли ҳилдаги аралашмалар (альдегидлар, эфирлар, юқори спиртлар ва бошқа кимёвий бирикмалар) ҳам бўлади. Бу моддалар, қайта ишланадиган хом-ашё турига кўра, спиртнинг ўзига хос бўлган таъми ва ҳидини шакллантиради. Келгусида спирт хом-ашёсини (дистиллятни) тарелкали ректификация ускуналарида ҳайдаш натижасида истеъмол учун яроқли бўлган тозаланган этил спирти олинади.

Ректификация ускуналари спирт ишлаб чиқариш тизими таркибига кирувчи асосий жиҳозлар ҳисобланади. Шу сабабдан, дистиллят таркибидан органик бирикмаларни тўлароқ ажратиб олиш асосида тайёрланадиган спиртнинг тозаланганлик даражасини орттириш ва сифатини яхшилаш мақсадида ректификация ускуналари конструкциясини такомиллаштириш, уларнинг оптимал иш режимларини аниқлаш ва сув буғи сарфини камайтириш борасидаги муаммолар ечимини топиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Даврий ишловчи бундай ускунани такомиллаштириш ва уни вино пунктларига жорий этиш натижасида корхоналарни ўз материаллари ҳисобидан этил спиртига бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин бўлади.

I. Умумий қисм

1.1. Хайдаш ва Ректификация тушунчаси.

Икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган бир жинсли суюқлик аралашмаларини ажратиш учун хайдаш (дистилляция ва ректификация) усули қўлланилади. Агар суюқлик енгил учувчан (қайнаш ҳарорати паст) ва қийин учувчи (амалий жиҳатдан учмайдиган) компонентлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда эритмани буғлатиш йўли билан таркибий компонентларга ажратилади.

Суюқликларни хайдаш йўли билан ажратиш усули аралашма компонентларининг бир хил ҳароратда турлича учувчанликка эга бўлишига асосланган. Шу сабабдан хайдаш жараёнида аралашма таркибидаги барча компонентлар, ўзларининг учувчанлик хусусиятларига пропорционал равишда, буғ ҳолатига ўтади.

Енгил ва қийин учувчи компонентли бинар аралашмани хайдаш пайтида ҳосил бўладиган буғ таркиби нисбатан кўп миқдордаги енгил учувчан компонентдан иборат бўлади. Хайдаш жараёнида суюқ фаза таркибида енгил учувчан компонент камайиб боради, буғ фазасида эса унинг миқдори ортиб боради. Буғланмай қолган суюқлик таркиби асосан қийин учувчи ёки юқори ҳароратда қайнайдиган компонентдан иборат бўлади.

Хайдаш жараёнида ажралиб чиққан иккиламчи буғ келгусида конденсацияланади. Ҳосил бўлган конденсатни дистиллят ёки ректификат деб аталади. Буғланмай қолган суюқлик қолдиқ деб юритилади.

Буғ фазаси таркибини енгил учувчан компонент билан бойиш даражаси асосан хайдаш усулига боғлиқ. Шунга кўра, суюқликларни хайдашнинг иккита принципиал усули мавжуд: 1) оддий хайдаш (дистилляция); 2) мураккаб хайдаш (ректификация).

Аралашма компонентларининг учувчанлиги ўртасидаги фарқ катта бўлса, уларни ажратиш учун оддий хайдаш усулидан фойдаланилади. Оддий хайдаш пайтида суюқлик бир маротаба қисман буғлатилади. Одатда бу усул суюқ аралашмаларни бирламчи ажратиш ёки мураккаб аралашмаларни кераксиз қўшимчалардан тозалаш учун ишлатилади.

Суюқлик аралашмаларини таркибий компонентларга тўлиқ ажратиш учун ректификация усулидан фойдаланилади. Ректификация жараёнида буғлатилаётган аралашмадан ажралиб чиққан иккиламчи буғ ва унинг конденсацияланиши натижасида ҳосил бўлган суюқлик ўртасида кўп маротабалик узлуксиз контакт юз беради. Бу пайтда фазалар ўртасида модда алмашинуви кузатилади. Суюқ фазадаги енгил учувчан компонент буғ таркибига ўтади, буғ фазасидаги учувчан компонент эса суюқликка ўтади.

Ректификация колоннасининг юқори қисмидан чиқаётган буғ асосан енгил учувчан компонентдан иборат бўлиб, у дефлегматорда конденсациялангандан сўнг икки қисмга ажратилади. Конденсатнинг бир қисми дистиллят ёки ректификат деб аталади ва уни тегишли сиғимларга узатилади. Конденсатнинг иккинчи қисми эса колоннанинг юқори қисмига қайтарилади ва у флегма деб юритилади. Ректификация колоннасининг бу қисмида флегма

пастдан юқорига кўтарилаётган буғ билан қайта учрашади ва уни енгил учувчан компонент билан янада кўпроқ бойитади. Колоннанинг тубидан, асосан, қийин учувчан компонентдан ташкил топган қолдиқ узлуксиз равишда чиқариб турилади.

Ректификация жараёни этил спирти ишлаб чиқариш технологиясида кенг қўлланилади.

Аралашма компонентларининг қайнаш температуралари бир-бирига яқин бўлса, бундай аралашмаларни ажратиш анча қийин бўлади. Бундай ҳолларда ҳайдашнинг махсус усуллари - экстрактив ректификация, азеотроп ректификация, молекуляр дистилляция ва паст ҳароратли ректификация жараёнларидан фойдаланилади.

1.2. Ҳайдаш жараёнининг назарий асослари

Саноат амалиётида ҳайдаш услуби билан икки ва ундан ортиқ компонентли аралашмалар ажратилади. Ҳайдаш жараёнини ҳисоблаш учун мувозанатда бўлган суюқлик ва буғ фазаларининг таркибини билиш зарур. Суюқлик ва буғ фазаларидан иборат икки компонентли аралашманинг эркинлик даражаси сони C , фазалар қоидасига (2-15) асосан:

$$C = K - \Phi + 2 = 2 - 2 + 2 = 2,$$

бу ерда $\Phi=2$ - фазалар сони (буғ ва суюқлик); $K=2$ - компонентлар сони (масалан, спирт ва сув).

Ушбу системанинг ҳолати буғ фазасининг босими, суюқликнинг ҳарорати ва концентрацияси билан тавсифланади. Демак, жараённи бошқариш учун система ҳолатини белгиловчи учта катталиқдан исталган иккитасини танлаш мумкин. Мисол учун, ҳайдаш аппаратидаги ишчи босимнинг ўзгармас қийматида спирт концентрацияси ва жараён ҳарорати орасидаги боғлиқликка эга бўламиз. Бу пайтда ҳароратни бошқариш туфайли аппаратдан чиқаётган спирт концентрациясининг талаб этиладиган даражадаги қийматларига эришиш мумкин.

Жараён назариясини ўрганиш учун икки компонентли (бинар) аралашманинг ҳайдаш йўли билан ажратишни кўриб чиқамиз. Бинар аралашма енгил ва қийин учувчан компонентлардан иборат бўлади.

Бинар суюқлик аралашмалари ўзларининг физик-кимёвий хоссаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бинар суюқликлар классификациясини Д.П. Коновалов ишлаб чиққан. Аралашма компонентларининг бир-бирида эриш даражасига кўра компонентлари бир-бирида эримайдиган (ёки жуда оз миқдорда эрийдиган), қисман эрийдиган ҳамда тўла ва исталган нисбатларда эрийдиган бинар аралашмалар мавжуд.

Идеал аралашмаларнинг хоссалари Раул қонуни билан ифодаланади. Бу қонунга кўра, суюқлик юзасидаги компонент буғининг парциал босими унинг суюқликдаги моль улушига тўғри мутаносибликда бўлади:

$$p_a = P_a x; \quad p_b = P_b(1 - x), \quad (1)$$

бу ерда p_a ва p_b - А ва В компонентларнинг парциал босимлари; x ва $(1-x)$ - А ва В компонентларнинг суюқликдаги моль улушлари; P_a ва P_b - тоза

компонентларни тўйинган буғларининг босимлари.

Дальтон қонунига биноан, системадаги умумий босим парциал босимлар йиғиндисига тенг бўлади:


$$P = p_a + p_b = P_a x + P_b (1-x) = P_b + (P_a - P_b)x, \quad (2)$$

(2) тенгламадан А компонентнинг суюқликдаги моль улуши

$$x = (P - P_b) / (P_a - P_b), \quad (3)$$

Юқоридаги (1) ва (2) тенгламалардан кўринадик, ўзгармас ишчи ҳароратда компонентларнинг парциал босимлари ва суюқлик юзасидаги буғларнинг умумий босими енгил учувчан компонентнинг суюқликдаги моль улушидан чизикли боғланишда бўлади.

2-расмнинг а-схемасида идеал аралашма компонентларининг



2-расм. Идеал аралашмалар учун суюқлик-буғ системасининг мувозанат диаграммалари: а- компонентларнинг парциал босимлари ва аралашма юзасидаги умумий босим изотермалари; б- t-x,y диаграмма; в- y-x диаграмма.

парциал босими ва суюқлик юзасидаги умумий босим изотермалари тасвирланган.

Ушбу диаграммадаги ОВ ва СА тўғри чизиклар А ва В компонентларнинг парциал босимларини (p_a , p_b), АВ тўғри чизик эса аралашма юзасидаги умумий босимнинг ўзгаришини ифодалайди. ОА ва СВ вертикал кесмалар тоза компонентларнинг тўйинган буғ босимларини (P_a , P_b) белгилайди.

Дальтон қонунига кўра, буғ таркибидаги компонентнинг парциал босими ушбу компонентнинг буғ таркибидаги моль улушига мутаносибдир:

$$p_a = P \cdot y; \quad p_b = P(1-y), \quad (4)$$

бу ерда P- системадаги умумий босим; y ва (1-y)- А ва В компонентларнинг буғ фазасидаги моль улушлари.

Системанинг мувозанат ҳолати учун

$$P_a \cdot x = P \cdot y; \quad P_b(1-x) = P(1-y). \quad (5)$$

(5) тенгламадан енгил учувчан модданинг буғ фазасидаги моль улуши

$$y = (P_a/P)x \quad \text{ёки} \quad 1-y = (P_b/P)(1-x). \quad (6)$$

Оддий ҳайдаш ва ректификация жараёнлари изобарик шароитларда ўтказилади. Шунинг учун бинар аралашманинг $P = \text{const.}$ бўлгандаги хусусиятларини кўриб чиқамиз. Ушбу ҳолатда мувозанат чизикларини t-x,y ва y-x диаграммада акс эттириш мумкин.

Ҳарорат қийматига кўра x ва y қийматларини ҳисоблаб, системанинг мувозанат диаграммасини куриш мумкин (29.2-расмнинг б-схемаси). Ушбу диаграммадаги қуйи чизик суюқлик аралашмасининг қайнаш ҳароратини, ундаги юқори чизик эса буғ аралашмасининг конденсацияланиш ҳароратини белгилайди. $x=0$ ва $x=1.0$ бўлганда ордината ўқлари бўйича белгиланган кесмалар (В ва А нуқталар ҳолати) қийин ва енгил учувчан моддаларнинг қайнаш ҳароратларини t_b ва t_a белгилайди.

Агар суюқлик концентрацияси x_1 берилган бўлса, унинг абцисса ўқидаги қиймати бўйича вертикал чизик ўтказилади. Ушбу чизикни **t - x , y** диаграмманинг қуйи чизиги билан туташув нуқтаси суюқликнинг қайнаш ҳароратини белгилайди. Келгусида ушбу туташув нуқтасидан то буғнинг конденсацияланиш чизиги билан кесишгунча горизонтал чизик тортилади. Ушбу чизикларнинг туташув нуқтаси буғнинг конденсацияланиш ҳароратини белгилайди. Мазкур ҳарорат қиймати бўйича абцисса ўқидан буғнинг мувозанат таркиби y^*_1 аниқланади.

Бинар системаларнинг мувозанат ҳолатдаги фазалари таркиби Д.П.Коновалов томонидан ўрганилган.

Коноваловнинг биринчи қонунига асосан ўзгармас қайнаш ҳароратида енгил учувчан компонентнинг буғ таркибидаги концентрацияси унинг буғ билан мувозанатда бўлган суюқликдаги концентрациясидан ҳар доим юқори бўлади. Демак аралашманинг мувозанат чизиги диагонални юқори қисмидан ўтади (бу ҳолат 2-расмнинг в- схемасидан кўриниб турибди).

Коноваловнинг биринчи қонунига биноан “эритмага кўшилган компонент суюқлик билан мувозанатда бўлган буғ таркибини бойитиб, унинг босимини орттиради ёки суюқликнинг қайнаш ҳароратини пасайтиради”. Масалан, ректификация колоннасининг энг юқори тарелкасида қайнаётган сув-этил спирти аралашмасининг конденсатига (суюқ фазага) спирт флегма шаклида кўшилса, аралашманинг қайнаш ҳарорати пасаяди ва буғ фазасининг спирт буғлари билан бойиш даражаси ортади.

Буғ босимининг эгри чизиги максимум ёки минимумга эга бўлган эритмалар учун суюқлик фазасининг шундай таркиби маълумки, бундай шароитда ажралиб чиқаётган буғларнинг таркиби суюқлик фазасининг таркиби билан бир хил бўлиб қолади. Бундай аралашма азеотроп (алоҳида қайнатиладиган) аралашма деб аталади.

Коноваловнинг иккинчи қонуни азеотроп аралашма таркибини аниқлашга ёрдам беради: “Аралашманинг буғ босими (ёки қайнаш ҳарорати) экстремумларида суюқлик ва буғ фазаларининг таркиблари бир хил бўлиб қолади”.

Этил спирти-сув системаси азеотроп аралашмаларга мисол бўла олади. Нормал босимда суюқлик фазасидаги спиртнинг 95,57 массавий фоизига буғ таркибидаги спиртнинг 95,57 массавий фоизи тўғри келади. Бу нормал босимдаги спирт ва сувнинг азеотроп аралашмаси бўлади.

Бинар эритмаларнинг мувозанат эгри чизиклари тажриба йўли билан курилади. 3-расмда этил спирти-сув системасининг мувозанат эгри чизиги тасвирланган. Вертикал ўқда енгил учувчан компонент - спиртнинг буғ

таркибидаги концентрацияси (y), горизонтал ўқда эса унинг суюқлик фазасидаги концентрацияси (x) берилган.



3-расм. Этил спирти-сув аράлашмасининг мувозанат эгри чизиғи.

Коноваловнинг биринчи қонунига асосан аράлашманинг мувозанат чизиғи диагональнинг юқори қисмидан ўтади (бу ҳолат графикдан кўриниб турибди). Демак, бу таркибидаги спирт концентрацияси суюқликдагига нисбатан юқори бўлади.

Коноваловнинг иккинчи қонунига асосан системанинг мувозанат чизиғи диагональни азеотроп аράлашманинг таркибига мос келган нуқтада кеседи. Демак, ушбу нуқта нормал босимда азеотроп аράлашманинг минимал қайнаш ҳарорати 78.15°C эканлигини кўрсатади.

Босимнинг ўзгариши билан система мувозанатининг ўзгариши юз беради, натижада бу фазасининг мувозанат таркиби ўзгаради. Бу ўзгаришнинг моҳиятини аниқлаш учун М.С. Вревский томонидан иккита қонун таклиф этилган:

1. Бинар аράлашманинг қайнаш ҳарорати (ёки босими) оширилса, суюқлик сатҳи юзасидаги буғларнинг таркибида буғланиши учун катта энергия талаб этиладиган компонентнинг нисбий миқдори ортади.

2. Буғининг учувчанлиги максимумга эга бўлган эритмаларнинг ҳарорати (ёки босими) кўтарилганда азеотроп аράлашмаларда буғланиши учун катта энергия сарфини талаб этувчи компонентнинг нисбий миқдори ортади. Буғининг учувчанлиги минимумга эга бўлган эритмаларнинг қайнаш ҳарорати оширилганда эса азеотроп аράлашмада буғланиши учун кам энергия талаб этувчи компонентнинг нисбий миқдори кўпаяди.

Вревский қонунига кўра, этил спирти-сув аράлашмаси учун суюқликдаги спиртнинг концентрацияси кам бўлганда (21% моль гача) системадаги босимнинг камайиши билан бу таркибидаги сув миқдори ортади; спиртнинг суюқликдаги концентрацияси юқори бўлганда (21% моль дан катта) босимнинг камайиши билан бу таркибидаги спирт миқдори ортади.

Азеотроп аράлашмаларда эса системадаги босимнинг пасайиши билан улардаги спирт миқдори кўпаяди. Босимнинг муайян минимал қийматида

азеотроп нукта йўқолиб кетади ва ҳайдаш жараёнида сувсиз спирт олиш мумкин бўлади.


1.3. Ректификация ускуналарининг схемаси

Даврий режимда ишловчи ректификация ускуналари кичик ишлаб чиқариш объектларида (масалан, вино пунктларида) қўлланилади (4-расм).

Ҳайдаш кубига 1 юкланган дастлабки аралашма аппарат ичига ўрнатилган змеевик воситасида, сув буғи ёрдамида, қайнаш ҳароратигача қиздирилади. Қайнаш жараёнида ҳосил бўлган буғлар ректификация колоннаси 2 тубидаги охириги тарелканинг пастки қисмига ўтади. Буғ колонна бўйлаб юқорига кўтарилган сари енгил учувчан компонент билан тўйиниб боради. Дефлегматорда 3 конденсатланган дистиллятнинг бир қисми (флегма) колоннага қайтарилади. Флегма колоннанинг энг юқорисида жойлашган биринчи тарелкага берилади ва у келгусида тарелкадан тарелкага қуйилиб, қуйига томон ҳаракатланади. Бу пайтда суюқлик фазаси ўз таркибидаги енгил учувчан компонентни буғ фазасига беради.

Буғ ва суюқлик фазаларининг кўп маротабалик контакти натижасида буғ фазаси юқорига кўтарилган сари енгил учувчан компонент билан тўйиниб боради, пастга томон ҳаракат қилаётган суюқлик таркибида эса қийин учувчан компонентнинг миқдори ошиб боради.

Колоннанинг юқори қисмидан енгил учувчан компонентга бой буғлар дифлегматорга ўтади ва у ерда тўла ёки қисман конденсацияга учрайди. Конденсацияланиш жараёнида ҳосил бўлган суюқлик ажраткич 4 ёрдамида икки қисмга, дистиллят ва флегмага ажратилади. Охириги маҳсулот - дистиллят совиткичда 5 совитилгандан сўнг, 6 ва 7 йиғувчи идишларга юборилади.




4-расм. Даврий ишловчи ректификация ускунасининг схемаси: 1- ҳайдаш куб; 2- ректификация колоннаси; 3- дефлегматор; 4- флегма ажраткич; 5- конденсатор-совуткич; 6,7- дистиллят йиғиладиган идишлар.

Кубдаги қолдиқ суюқлик таркибини қайнаш ҳарорати бўйича текшириб борилади. Агар текшириш пайтида суюқликдаги енгил учувчан компонент миқдори белгиланган минимал қийматга эга бўлса, жараён тўхтатилади ва қолдиқ туширилади. Шундан сўнг иш цикли қайтадан бошланади.

Узлуксиз режимда ишлайдиган ректификацион ускуналар саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлатилади. 5-расмда бундай ускуналардан бирининг принципиал схемаси келтирилган. Ускуна таркибидаги асосий аппарат вертикал цилиндр шаклида ишланган ректификация колоннасиدير. Колоннанинг ичига тарелкалар ёки насадкалар жойлаштирилган бўлади.

Спиртли аралашма иситгичда 2 қайнаш ҳароратигача қиздирилади ва колоннанинг 3 таъминловчи тарелкасига узатилади. Таъминловчи тарелка ректификация колоннасини иккита ишчи қисмга (юқори ва қуйи колоннага) ажратади.

Колоннанинг юқори қисмида кўтарилаётган буғнинг таркиби енгил учувчан компонент билан бойиб боради, натижада таркиби тоза енгил учувчан компонентга яқин бўлган буғлар дефлегматорга 4 берилади. Колоннанинг қуйи қисмида пастга томон йўналган суюқлик таркибидан енгил учувчан компонент максимал миқдорда ажратиб олинади. Шу сабабдан, колоннанинг тубидан қайнатгичга 8 ўтаётган суюқликнинг таркиби асосан қийин учувчан компонентдан иборат бўлади.



5-расм. Узлуксиз режимда ишловчи ректификация ускунасининг принципиал схемаси: 1- дастлабки аралашма, куб қолдиғи ва ректификат учун сиғимли идишлар; 2- бирламчи аралашмани қиздирувчи аппарат; 3- ректификация колоннаси; 4- дефлегматор; 5- флегма ажраткич; 6- ректификат ва куб қолдиғини совутиш аппаратлари; 7- насослар; 8- қайнаткич.

Шундай қилиб, колоннанинг юқори қисми буғ таркибини бойитувчи қисм, колоннанинг қуйи қисми эса суюқликдан енгил учувчан компонентни максимал даражада ажратувчи қисм деб аталади.

Колонна тубига ёки ундан ташқарига ўрнатилган қайнаткичда 8 ҳосил бўлаётган бинар аралашма буғлари оқими колонна бўйлаб пастдан юқорига ҳаракат қилади. Суюқлик эса колонна тепасидан қуйи томонга ҳаракат қилади.

Колоннадан чиқаётган буғлар совуқ сув билан совитилувчи дефлегматорда 4 тўла ёки қисман конденсацияланади. Ҳосил бўлган суюқлик ажратгичда 5 икки қисмга ажралади. Биринчи қисм (флегма) колоннанинг

юқори тарелкасига қайтарилади. Натижада колоннада суюқлик фазасининг пастга йўналган оқими юзага келади.

Конденсатор-совуткич 6 дефлегматорда тўлиқ конденсацияга учрамаган буғлар учун конденсатор, дистиллят учун эса совуткич вазифасини бажаради. Конденсатордан совутилиб чиқаётган ректификат алоҳида резервуарларга 1 йиғилади.

Колоннанинг туб қисмидан чиқаётган қолдиқ фракция ҳам икки қисмга ажратилади. Унинг бир қисми қайнатгичга юборилади, иккинчи қисм (қуйи маҳсулот) эса совуткичда 6 совитилгандан сўнг йиғувчи идишларга узатилади.

Ректификация колонналари, конструктив тузилишига кўра, асосан поғона контактли (тарелкали) ва узлуксиз контактли (плёнкали ва насадкали) колонналар гуруҳига ажратилади.

Ишчи қисмларининг (тарелка ва насадкаларнинг) тузилишига кўра ректификация колонналари абсорбция қурилмаларига ўхшаб кетади.

Ректификация колонналарини ҳисоблаш услублари ҳам турдош типдаги абсорбция қурилмаларини ҳисоблаш услубларидан деярли фарқ қилмайди.

Ректификация колоннасини ҳисоблаш пайтида дастлаб унинг юқори ва қуйи колонналари алоҳида ҳисобланади, сўнггра унинг умумий ишчи баландлиги аниқланади. Ректификация колонналари, абсорберлардан фарқли равишда, қўшимча иссиқлик алмашилиш қурилмалари (иситгич, қайнатгич, ҳайдаш кубы, дефлегматор, конденсатор, совитгич) билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари, атроф муҳитга тарқаладиган иссиқликнинг йўқолишини камайтириш учун ректификацион колонналар иссиқликни ҳимояловчи материал қатлами билан қопланади.

Озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган ректификация колонналари асосан қалпоқчали типда ишланган контакт тарелкалари билан таъминланади. Тарелкалар оралиғидаги масофа ҳисобланади. Одатда бу қиймат, дастлабки аралашманинг хоссаларига кўра, 200; 300; 400; 500 ва 600 мм бўлиши мумкин.

Ректификация ускуналари ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан жараёни оптимал гидродинамик режимларда олиб бориш ва энергия (иссиқлик энергияси) ресурсларини тежашдан боғлиқ бўлади.

Энергия сарфини камайтириш учун қуйидаги ишларни бажариш тавсия этилади:

- аппаратларни иссиқликни ҳимоя қилувчи материал қатлами билан қоплаш;
- жараёни оптимал флегма сони билан олиб бориш;
- иккиламчи иссиқлик оқимларидан самарали фойдаланиш (масалан, дастлабки аралашмани қайнаш ҳароратига яқин бўлган ҳароратларгача қиздириш учун);
- мумкин бўлган шароитларда қурилма кубигаги суюқликни буғлатиш учун юқори ҳароратли сув буғини очик усулда бериш;
- иссиқлик насосини қўллаш;
- айрим шароитларда, масалан азеотроп аралашмаларни ректификациялаш пайтида, кўп босқичли (колоннали) ускуналардан фойдаланиш.

Ректификация ускуналари ўлчов-назорат асбоблари ва бошқарув системалари билан таъминланади. Бу эса ускунада кечаётган жараёнларни автоматик тарзда бошқариш имконини беради.


1.4. Ректификацион колонналарнинг тузилиши

Ректификацион курилмаларда асосан икки типдаги аппаратлар ишлатилади: 1) погонали контактли аппаратлар (тарелкали колонналар) ; 2) узлуксиз контактли аппаратлар (плёнкали ва насадкали колонналар) . Тарелкали, насадкали ва айрим плёнкали аппаратлар ички тузилиши (тарелка, насадка) га кўра абсорбцион колонналарга ўхшаш бўлади.

Ректификацион колонналарни ҳисоблаш ҳам бир хил типдаги абсорбцион аппаратларни ҳисоблашдан фарк қилмайди. Фақат дастлаб юқориги ва пастки колонна алохида ҳисобланади, сўнгра ректификацион аппаратнинг умумий иш баландлиги аниқланади.

Ректификацион колонналар (абсорберлардан фаркли) қўшимча иссиқлик алмашилиш аппаратлари (иситгич, қайнатгич, хайдаш кубу, дефлегматор, конденсатор, совитгич) билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари атроф муҳитга тарқаладиган иссиқликнинг йўқолишини камайтириш учун ректификацион колонналар иссиқлик изоляцияси билан қопланади.

Кимё ва нефть кимёси саноатидаги ректификацион (ва абсорбцион) курилмаларда асосан етти хил типдаги контакт тарелкалари ишлатилади: 1) галвирсимон; 2) галвирсимон—клапанли; 3) клапанли; 4) жалюзали — клапанли; 5) калпокчали; 6) галвирсимон кўп куйилишли; 7) панжарали. Тарелкалар оралигидаги масофа $h = 200\text{--}1200$ мм бўлиши мумкин, кўпинча h нинг киймати 200; 300; 400; 500 ва 600 мм га тенг қилиб олинади.




6-расм. Интенсив контактли курилмаларнинг типлари:

а — фазаларнинг икки зонали контактига эга бўлган тарелкалар; б — қўзғалувчан шарсимон насадкали тарелкалар

6 - расмда суюк ва газ (буг) фазалари ўртасида интенсив режимларни таъминлаб берувчи тарелкаларнинг айрим типлари кўрсатилган. Иккита зонали контактига эга бўлган тарелкада (6-расм, а) буг суюқлик плёнкаси тарелкадан куйилаётган жойда қўшимча контактига учрайди ва тарелкадаги суюқлик катламидан ўтаётган пайтда эса барботажли режим ҳосил қилади.

Бу ҳолат жараённинг тезлигини ортишига олиб келади. 6-расм, б да кўрсатилган контакт курилмада шарлар катламидан фойдаланилганда тарелкалар оралигидаги бўшлиқда суюқликнинг бир-биридан ажратилган зич плёнкалари ҳосил бўлади, натижада бундай колоннадаги газ (ёки буг) нинг тезлигини галвирсимон тарелкаларга нисбатан 3—4 маротаба купайтириш имконияти пайдо бўлади.

Роторли аппаратларда ҳам фазалар ўртасида интенсив контактли режим уюштирилади. 7 - расмда роторли аппаратларнинг икки хил контакт курилмалари кўрсатилган. Бундай аппаратларда марказдан кочма куч майдони ҳосил қилиниб, суюқлик валдаги тешиклар орқали сочиб берилади. Роторли аппаратлар иссиқликка бардошеиз системаларни вакуум остида ректификация қилиш учун қўлланилади.



7-расм. Роторли аппаратларнинг контакт курилмалари (а, б):

1 — тарелка; 2 — иатрубкалар; 3 — айланувчи конус; 4 — томчи кайтаргич; 5 — вал; 6 — куйилиш курилмаси; 7 — валдаги тешиклар; 8 — тўлқинсмон парраклар.

Бундай аппаратларнинг гидравлик каршилиги кам, бироқ роторни айлантириш учун қўшимча энергия талаб қилинади.

Дистилляция ва ректификацион курилмаларнинг ишини интенсивлаш учун энергияга бўлган харажатларни камайтириш, интенсив гидродинамик режимларни ташкил қилиш учун оптимал шарт-шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.


Энергетик харажатларни камайтириш учун куйидаги ишлар қилинган бўлиши керак: 1) ректификацион колонналарни яхши иссиқлик изоляцияси билан коплаш; 2) жараёни оптимал флегма сони билан олиб бориш; 3) иккиламчи иссиқлик оқимларидан ишлаб чиқариш эҳтиёжларини кондириш учун фойдаланиш; 4) мумкин бўлган шароитда аппаратнинг кубда суюқликни буглатиш учун ўткир бугни ишлатиш; 5) иссиқлик насосини қўллаш; 6) айрим шароитларда, масалан азеотроп аралашмаларини ректификациялаш пайтида ҳар хил босим билан ишлайдиган икки (ёки кўп) колоннали курилмалардан фойдаланиш.

II. Ректификация ускуналарининг ҳисоби

2.1. Хайдаш колоннасининг ҳисоби

Ректификация колоннасига келиб тушаётган дастлабки суюқлик G_f жараён мобайнида дистиллят G_d ва куб қолиғига G_w ажралади. Бу пайтда ҳосил бўлаётган буғлар дефлегматорда совутилгач, ажраткич ёрдамида, яна икки қисмга - флегма G_f ва дистиллятга G_d ажратилади.

Ректификация жараёнининг моддий ва иссиқлик баланслари схемаси 8 - расмда келтирилган.



8-расм. Ректификация жараёнининг моддий ва иссиқлик баланслари схемаси: 1- куб; 2- колонна; 3- флегма ажраткич; 4- дефлегматор.

Ректификация жараёнларини ҳисоблаш пайтида фазалар таркиби ва уларнинг миқдори моль улушларда ифодаланади. Ҳисоблаш ишларини осонлаштириш мақсадида қуйидаги шартлар қабул қилинади:

- 1 кмоль буғ конденсацияланганда 1 кмоль суюқлик ҳосил бўлади; шу сабабдан, колонна бўйлаб ҳаракатланаётган буғ миқдори унинг кўндаланг кесим юзаси бўйича бир хил бўлади;

- конденсацияланиш пайтида буғнинг таркиби ўзгармайди; демак ректификация колоннасидан чиқиб, дефлегматорга кираётган буғнинг таркиби (y_d) ва колоннага флегма тарзида қайтарилаётган дистиллятнинг таркиби (x_d) бир хил қийматга эга, яъни $y_d = x_d$;

- қайнатгичдан колонна бўйлаб юқорига кўтарилаётган буғнинг таркиби колонна тубидан чиқаётган куб қолдиғининг таркиби билан бир хил, яъни $y_w = x_w$.

2.2. Ректификация жараёнининг моддий баланси

Ректификация жараёнининг моддий балансини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- моддий оқимлар бўйича

$$G_f = G_d + G_w; \quad (7)$$

- энгил учувчан компонент бўйича

$$G_f x_f = G_d x_d + G_w x_w, \quad (8)$$

бу ерда G_f , G_d ва G_w - дастлабки аралашма, дистиллят ва куб қолдиғининг сарфлари, кмоль; x_f , x_d ва x_w - энгил учувчан компонентнинг дастлабки аралашма, дистиллят ва куб қолдиғи таркибидаги концентрацияси, моль улушларда.

(7) ва (8) тенгламалар бўйича дистиллят ва куб қолдиғи миқдорларини аниқлаш мумкин

$$G_d = G_f (x_f - x_w) / (x_d - x_w); \quad (9)$$

$$G_w = G_f (x_d - x_f) / (x_d - x_w). \quad (10)$$

Дастлабки суюқлик G_f , куб қолиғига G_w ва флегма миқдорларини 1 кмоль дистиллят миқдorigа нисбатларини $G_f/G_d = F$, $G_w/G_d = W$ ва $\Phi/G_d = R$ деб белгилаймиз.

$\Phi/G_d = R$ нисбат флегма сони деб аталади.

Колоннанинг юқори ва қуйи қисмлари учун жараённинг моддий баланси тенгламасини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаймиз:

$$Gdy = \Phi(-dx). \quad (11)$$

бу ерда G ва Φ - буғ ва флегманинг сарфлари, кмоль; y ва x - суюқлик ва буғ таркибидаги енгил учувчан компонентнинг аппарат баландлиги бўйича ўзгарувчан концентрациялари, кмоль;

Колоннанинг бойитиш қисмига оқиб тушаётган суюқлик миқдори

$$\Phi = RG_d.$$

бу ерда G_d - дистиллятнинг сарфи, кмоль;

Колонна бўйлаб кўтарилаётган буғлар миқдори

$$G = G_d + \Phi = G_d + RG_d = G_d(1+R). \quad (12)$$

Колоннанинг бойитиш қисми учун (29-11) тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$(R+1)dy = R(-dx). \quad (13)$$

$x_d=y_d$ эканлигини эътиборга олиб, юқори колоннанинг ихтиёрий танланган қисми учун қуйидаги тенгламани ёзишимиз мумкин

$$(R+1)(y_d-y) = (R+1)(x_d-y) = R(x_d-x), \quad (14)$$

бу ердан

$$y = \frac{R}{R+1}x + \frac{1-x_d}{R+1}. \quad (15)$$

Бу тенгламадан $R/(R+1) = \operatorname{tg}\alpha$ ва $x_d/(R+1) = b$ деб белгилаймиз. Бу ерда $\operatorname{tg}\alpha$ - ишчи чизикнинг абцисса ўқига нисбатан оғиш бурчаги тангенци; b - ишчи чизикни y - x диаграммадаги ордината ўқи бўйича ажратган кесмаси.

Демак, колоннанинг бойитиш қисмининг ишчи тенгламасини (15) қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y = \operatorname{tg}\alpha x + b. \quad (16)$$

Колоннанинг қуйи қисми учун (11) тенглама қуйидагича кўринишга эга бўлади

$$(R+1)dy = (F+R)(-dx). \quad (17)$$

$x_w=y_w$ эканлигини эътиборга олиб, қуйи колоннанинг исталган қисми учун (17) тенгламани қуйидагича ёзишимиз мумкин

$$(R+1)(y-y_w) = (R+1)(y-x_w) = (R+F)(x-x_w), \quad (18)$$

бундан

$$y = \frac{R+F}{R+1}x + \frac{1-F}{R+1}x_w. \quad (19)$$

$$(19) \text{ тенгламадан } \frac{R+F}{R+1} = \operatorname{tg}\beta \text{ ва } \frac{1-F}{R+1}x_w = C \text{ деб белгилаймиз.}$$

Бу ерда $\operatorname{tg}\beta$ - ишчи чизикнинг абцисса ўқига нисбатан оғиш бурчаги тангенци; C - ишчи чизикни y - x диаграммадаги абсцисса ўқи бўйича ажратган кесмаси.

Демак, қуйи колоннанинг ишчи тенгламасини (19) қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y = \operatorname{tg}\beta x + C. \quad (20)$$

Шундай қилиб, (14) ва (18) ифодалар ректификация колоннасининг юқори (бойитувчи) ва пастки (суюқлик таркибидан енгил учувчан компонентни максимал ажратувчи) қисмлари учун ишчи чизиклар тенгламалари деб аталади.

Флегма сони. Флегма миқдорини дистиллят миқдорига нисбати $\Phi/G_d = R$ флегма сони деб аталади.

Таъминловчи тарелка (x_f, y_f) ва бойитувчи қисмдаги энг юқори тарелка (x_d, y_d) оралиғидаги ишчи зона учун (13) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$(R+1)(x_d - y_f) = R(x_d - x_f), \quad (21)$$

бу ердан

$$R_{\min} = (x_d - y_f)/(y_f - x_f). \quad (22)$$

Флегма сони ректификация колоннаси ишини таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ректификация ускунасининг диаметри ва баландлиги, технологик сарфлар (сув буғи ва совуқ сув сарфлари) ва ускунани ишлатиш билан боғлиқ харажатлар флегма сони қийматига қараб ўзгаради. Шу сабабдан, флегма сонининг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш катта аҳамиятга эга.

Амалиётда флегма сонининг ишчи қийматлари қуйидаги эмпирик ифода бўйича аниқланади:

$$R_{\min} = (1.1 \div 1.4) R_{\min}.$$

2.3. Ректификация колоннасининг иссиқлик баланси

Узлуксиз ишловчи ректификация колоннасининг иссиқлик баланси умумий ҳолда қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Q_k + Q_f + Q_\phi = Q_r + Q_d + Q_w + Q_{\text{кн}} + Q_{\text{й}}, \quad (24)$$

бу ерда $Q_k = Di_6$ - куб-қайнаткичга змеевик орқали берилаётган сув буғининг иссиқлиги; $Q_f = G_f c_f t_f$ - колоннага берилаётган дастлабки аралашманинг иссиқлиги; $Q_\phi = RG_d c_d t_d$ - колоннага флегма шаклида қайтарилаётган дистиллятнинг иссиқлиги; $Q_r = (R+1)G_d r_d$ - колоннадан дефлегматорга узатилаётган дистиллят буғларининг иссиқлиги; $Q_d = (R+1)G_d c_d t_d$ - дефлегматордан чиқарилаётган дистиллятнинг иссиқлиги; $Q_w = G_w c_w t_w$ - жараён пайтида ҳосил бўлган куб қолдиғининг иссиқлиги; $Q_{\text{кн}} = Di_{\text{кн}}$ - буғ конденсатининг иссиқлиги; $Q_{\text{й}}$ - атроф муҳитга йўқотилаётган иссиқлик миқдори; t_f , t_d ва t_w - дастлабки аралашма, дистиллят ва куб қолдиғининг ҳароратлари, °C; c_f , c_d ва c_w - дастлабки аралашма, дистиллят ва куб қолдиғининг солиштира иссиқлик сифимлари, кЖ/(кг·°C); i_6 ва $i_{\text{кн}}$ - сув буғи ва конденсатнинг энтальпиялари, кЖ/кг; r_d - дистиллятнинг буғланиш иссиқлиги, кЖ/кг.

Жараённинг иссиқлик баланси тенгламасининг кенгайтирилган кўриниши

$$Di_6 + G_f c_f t_f + RG_d c_d t_d = (R+1)G_d (r_d + c_d t_d) + G_w c_w t_w + Di_{\text{кн}}. \quad (25)$$

Ушбу тенгламадан жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган сув буғи сарфи D аниқланади

$$D = [(R+1)G_d (r_d + c_d t_d) + G_w c_w t_w - G_f c_f t_f - RG_d c_d t_d] / (i_6 - i_{\text{кн}}). \quad (26)$$

(26) тенгламанинг соддалаштирилган кўриниши

$$D = [(R+1)G_d r_d + G_d c_d t_d + G_w c_w t_w - G_f c_f t_f] / (i_6 - i_{\text{кн}}). \quad (27)$$

Дефлегматорга келиб тушаётган дистиллят буғларини совутиш учун зарур бўлган сув сарфи қуйидагича аниқланади

$$G_{\text{сув}} = [(R+1)G_d r_d] / (c_2 t_2 - c_1 t_1), \quad (28)$$

бу ерда t_1 ва t_2 - сувнинг дастлабки ва охирги ҳарорати, °C; c_1 ва c_2 - сувнинг t_1 ва t_2 ҳароратлардаги солиштирма иссиқлик сиғими, кЖ/(кг °C).

Дистиллятни совутиш учун зарурий сув сарфи ҳам шу тартибда аниқланади:

$$G_{\text{сув}} = G_d c_d t_d / (c_2 t_2 - c_1 t_1). \quad (29)$$

2.4. Колоннанинг моддий баланси ва ишчи флегма сони ҳисоби

Тарелкали ректификация колоннасининг бойитиш қисмига берилаётган дастлабки аралашма (бражка) миқдори $G_{\text{бр}} = 3600$ кг/соат = 1.0 кг/сек, унинг таркибидаги спиртнинг дастлабки концентрацияси 8% (ҳажмий) ёки $x_{\text{бр}} = 6.43\%$ (массавий) ёки 2.65% (моляр).

Дистиллят таркибидаги спиртнинг талаб этиладиган концентрацияси 88% (ҳажмий) ёки $x_d = 83.19\%$ (массавий) ёки 65.7% (моляр). Куб қолдиғи таркибидаги спиртнинг белгиланган концентрацияси $x_k = 0.01\%$ (массавий).

Бражкани ҳайдаш жараёнида ҳосил бўладиган дистиллят сарфи жараённинг энгил учувчан компонент бўйича моддий баланс тенгламасидан аниқланади:

$$G_d = G_{\text{бр}}(x_{\text{бр}} - x_k) / (x_d - x_k) = 1.0(6.43 - 0.01) / (83.19 - 0.01) = 0.077 \text{ кг/сек.}$$

Жараён якунида ҳосил бўладиган куб қолдиғининг сарфи эса

$$G_k = G_{\text{бр}} - G_d = 1.0 - 0.0772 = 0.923 \text{ кг/сек.}$$

Ректификация колоннасининг буғ ва суюқлик бўйича юкламаси ишчи флегма сони R қиймати бўйича аниқланади.

Таъминловчи тарелкадаги буғ фазасининг таркиби y_6 бражкадаги спиртнинг мувозанат концентрациясига ($y^* = 21.6\%$) тенглигини маълумотномалардан аниқлаймиз. Флегма сонининг минимал қийматини ҳисоблаймиз:

$$R_{\text{min}} = (x_d - y_6) / (y_6 - x_{\text{бр}}) = (65.7 - 21.6) / (21.6 - 2.65) = 2.327.$$

Флегма сонининг ишчи қиймати:

$$R = R_{\text{min}} \cdot 1.5 = 2.327 \cdot 1.5 = 3.49,$$

бу ерда 1.5 – флегма билан ортиқча таъминланиш коэффициентини.

Колонна бўйлаб юқорига кўтарилаётган буғнинг массавий сарфи

$$G_6 = G_d (R+1) = 0.077(3.49+1) = 0.346 \text{ кг/сек.}$$

Колонна бўйлаб қуйига оқиб тушаётган суюқликнинг сарфи:

- колоннанинг юқори қисмидан

$$G_{\text{с.ю}} = G_d \cdot R = 0.077 \cdot 3.49 = 0.269 \text{ кг/сек;}$$

- колоннанинг қуйи қисмидан

$$G_{\text{с.к}} = G_d \cdot R + G_{\text{бр}} = 0.269 + 1.0 = 1.269 \text{ кг/сек.}$$

Колоннанинг юқори қисмидаги суюқлик концентрациясининг ўртача қиймати

$$x_{\text{ю.ўр}} = 0.01(x_{\text{бр}} + x_d) / 2 = 0.01(6.43 + 83.19) / 2 = 0.4477 \text{ (массавий}$$

улуш).

Колоннанинг юқори қисмидаги суюқлик зичлигининг ўртача қийматини ҳисоблаймиз

$$\rho_{c.ю} = \rho_{\text{спирт}}^{20} \cdot x_{ю.ўр} + \rho_{\text{сув}}(1 - x_{ю.ўр}) = 789 \cdot 0.4477 + 1000(1 - 0.4477) = 905.8 \text{ кг/м}^3,$$

бу ерда $\rho_{\text{спирт}}^{20} = 789 \text{ кг/м}^3$ - этил спиртининг нисбий зичлиги; $\rho_{\text{сув}} = 1000 \text{ кг/м}^3$ - сувнинг зичлиги.

Колоннанинг қуйи қисмидаги суюқлик концентрациясининг ўртача қиймати

$$x_{к.ўр} = 0.01(x_{к} + x_{бp})/2 = 0.01(0.01 + 6.43)/2 = 0.0321 \text{ (массавий улуш)}.$$

Колоннанинг қуйи қисмидаги суюқликнинг зичлиги (ўртача қиймат):

$$\rho_{c.к} = \rho_{\text{спирт}}^{20} \cdot x_{к.ўр} + \rho_{\text{сув}}(1 - x_{к.ўр}) = 789 \cdot 0.0321 + 1000(1 - 0.0321) = 993.2 \text{ кг/м}^3.$$

Колоннанинг юқори қисмидаги буғ фазаси таркибининг ўртача қийматини ҳисоблаймиз

$$y_{ю.ўр} = 0.01(y_{бp} + y_{д})/2 = 0.01(21.6 + 65.7)/2 = 0.437 \text{ (моль улуш)}.$$

Колоннанинг юқори қисмидаги буғнинг 87°C ҳароратдаги зичлигини (ўртача қиймат) аниқлаймиз:

$$\rho_{буг.ю} = M_{\text{спирт}} \cdot y_{ю.ўр} + M_{\text{сув}}(1 - y_{ю.ўр}) = [(46 \cdot 0.437 + 18(1 - 0.437))10^4] / [848(273 + 87)] = 0.986 \text{ кг/м}^3,$$

бу ерда $M_{\text{спирт}} = 46$ - этил спиртининг молекуляр массаси, кг/кмоль; $M_{\text{сув}} = 18$ - сувнинг молекуляр массаси; 87°C - дистиллятнинг қайнаш ҳарорати.

Колоннанинг қуйи қисмидаги буғ фазаси таркибининг ўртача қиймати

$$x_{к.ўр} = 0.01(y_{б} + y_{д})/2 = 0.01(0.004 + 21.6)/2 = 0.108 \text{ (моль улуш)}.$$

Колоннанинг қуйи қисмидаги буғнинг 97°C ҳароратдаги зичлигини (ўртача қиймат) аниқлаймиз:

$$\rho_{буг.к} = M_{\text{спирт}} \cdot x_{к.ўр} + M_{\text{сув}}(1 - x_{к.ўр}) = [(46 \cdot 0.108 + 18(1 - 0.108))10^4] / [848(273 + 97)] = 0.669 \text{ кг/м}^3,$$

бу ерда 97°C - бражканинг қайнаш ҳарорати.

Колоннада ҳаракатланаётган буғнинг ҳажмий тезлигини аниқлаймиз

$$Q_{буг} = [G_{д}(R+1) \cdot 22.4(273 + t_{ўр})] / (M \cdot 273) = [0.077(3.49 + 1) \cdot 22.4 \cdot (273 + 92)] / (36.5 \cdot 273) = 0.284 \text{ м}^3/\text{сек},$$

бу ерда $t_{ўр} = (87 + 97)/2 = 92^{\circ}\text{C}$ - буғ аралашмаси ҳароратининг ўртача қиймати; $M = 100 / (83.1:46 + 16.9:18) = 36.5$ - сув-спирт буғлари аралашмасининг молекуляр массаси.

Суюқликнинг юқори колоннадаги максимал ҳажмий тезлиги

$$L_{ю} = G_{c.ю} / \rho_{c.ю} = 0.269 / 905.8 = 0.000297 \text{ м}^3/\text{сек}.$$

Суюқликнинг қуйи колоннадаги максимал ҳажмий тезлиги

$$L_{к} = G_{c.к} / \rho_{c.к} = 1.269 / 993.2 = 0.00128 \text{ м}^3/\text{сек}.$$

4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

4.1. Технологик жараён ва жиҳозлар хавфсизлигини таъминлашда автоматлаштиришнинг роли. Спиртли аралашмаларни ректификациялаш жараёнларининг хавфсизлигини таъминлашда хавфли ҳолат ва вазиятларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳисобга олинади.

Технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлашда хом-ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссалари, жараённинг олиб бориш режимлари, амалга ошириш шарт-шароитлари, технологик жиҳозларни йиғиш, созлаш ва ишлатиш қоидалари, маҳсулот ишлаб чиқариш технологик регламентига риоя қилиш каби тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ректификация жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- хавфли вазиятлар мавжуд бўлган жараёнларни (масалан босимни ортиб кетиши, спирт буғларининг ҳаводаги юқори концентрацияси) механизациялаштириш, автоматлаштириш ва дистанцион бошқариш усуллари қўллаш;
- технологик машина ва жиҳозлар пухталигини таъминлаш;
- босим остида ишловчи жиҳозларнинг герметиклигини таъминлаш;
- жиҳозларни ишга тушириш, ишлатиш ва тўхтатиш учун назорат қилиш ва бошқариш тизимларини қўллаш.

Технологик жараёнларни автоматлаштириш тизимларини қўллаш экологик ва ижтимоий аҳамиятга эга. Технологик жараёнларни автоматлаштиришда автоматик назорат қилиш, дарак бериш (сигнализация), химоя қилиш, тўсиқлаш, режимга чиқариш, бошқариш ва ростлаш воситаларидан фойдаланилади.

Автоматик назорат асбобларини қўллаш туфайли технологик жараённи, масалан, ректификация жараёнларининг иш режимларини бузилишини ўз вақтида олдини олиш мумкин бўлади.

Автоматик химоя асбоблари жиҳозни тўхтаб ёки бузилиб қолганлиги, хавфли вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида операторга маълумот беради. Шу билан бирга, бу асбоблар зарурий ҳолларда жараёнлар ва уларни амалга оширувчи жиҳозларни қисман ёки бутунлай тўхтатади. Одатда автоматик химоя асбоблари технологик параметрларнинг критик меъёрларига мосланган автоматик хабар бериш мосламалари билан бирлаштирилган бўлади.

Бу асбоблар жиҳозлар кабелларининг қисқа туташувини, ортикча кучланишини, цехдаги спирт буғларининг портловчи концентрациялари вужудга келишининг олдини олиш мақсадларида ҳам кенг қўлланилади.

Автоматик химоянинг асосий тури бу автоматик тўсиқлаш (блокировка)дир. Блокировка элементлари технологик жиҳозларнинг нотўғри, бевақт уланиши ёки ўчирилиши натижасида юзага келадиган хавфнинг олдини олади. Бу асбоблар жиҳозлардаги химоя кохухлари очик бўлганда ишчи органларни ҳаракатдан тўхташини таъминлайди.

Электр тармоғида кучланишни вақтинчалик йўқолиши ва пайдо бўлиши натижасида, бошқарув органларининг ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар,

технологик жиҳозлар ўз-ўзидан ишлаб кетмаслиги лозим. Агар жиҳоз ишида зўриқишлар юзага келса (қувват бўйича), блокировка элементлари жиҳозларнинг электр юритмаларини автоматик тарзда ўчиради.

Технологик жиҳозларни ишлатишда хавфсизлик чора-тадбирлари. Ректификация ускуналари таркибига кирувчи жиҳозларга техник хизмат кўрсатувчи шахслар уларнинг тузилиши ва ишлаш принципини яхши билишлари керак. Бундай шахслар технологик жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича техник минимум топширишлари шарт.

Технологик жиҳозларнинг электр жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш ва техник хизмат кўрсатиш ишлари “Истеъмолчиларнинг электр жиҳозларини ишлатишда хавфсизлик Қоидалари” ва “Истеъмолчиларнинг электр жиҳозларини техник эксплуатация қилиш Қоидалари” га асосан амалга оширилиши лозим. Мазкур ишларга 1000В кучланиш остидаги ишларни бажариш учун рухсатнома олган малакали мутахассис жалб этилади.

Барча технологик жиҳозлар заземление контурига уланиши лозим. Жиҳозларнинг электр қисмларини текшириш ва таъмирлаш ишлари кучланиш ўчирилган ҳолатда амалга оширилади. Электр кабелларининг химоя қобиғи бузилмаган бўлиши шарт. Турли хилдаги пускателлар, автоматлар ва кабелларнинг учини беркитиб турувчи коробкалар чанг ёки намдан химоя қилинган вариантда ишланган бўлиши лозим.

Технологик жиҳозларнинг бошқарув ва блокировка органлари, уларни хавфсиз ишлатиш нуқтаи назаридан, 24 В кучланиш остида ишлатилади.

